



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 21 март, № 55 (7285)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати танқидий таҳлил қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 март куни инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ишларини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, инвестиция иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи — драйверидир. Кейинги йилларда бутун дунёда хорижий инвестициялар жалб этиш тобора мураккаб кечмоқда. Масалан, 2018 йилда жаҳонда инвестиция оқими 19 фоиз камайган.

Шу боис жалб этилган хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, бу борада жадал ва тизимли иш олиб бориш зарур.

Жорий йил 8 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари инвестицияларни жалб қилиш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берган эди. Шу асосда аниқ молиялаштириш мабдаларини кўрсатган ҳолда Инвестиция дастури тасдиқланди. Хусусан, бу йил жами 4,2 миллиард доллар қийматидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган.

Йиғилишда ўтган икки ойда бажарилган ишлар танқидий таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати умуман сўст кетаётганини таъкидлаб, мутасаддиларни жиддий оғохлантирди. Айрим тармоқ ва ҳудудларда чет эллик инвесторларга тақдим этиш учун аниқ ҳисоб-китобларга асосланган лойиҳалар бўйича таклифлар йўқлиги танқид қилинди.

Президентимиз тегишли вазирлик ва ҳўқимликлар зиммасига аниқ ва қатъий вазифалар юклади. Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигига энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электр техникаси, ахборот технологиялари ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш бўйича инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантириш топширилди.

Хўқуматлараро комиссия йиғилишлари инвестиция лойиҳаларини шакл-

лантириш бўйича зарур майдонга айланмагани қайд этилар экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ҳар бир комиссиянинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Бутун дунёда давлат-хусусий шериклик тизими инвестиция жалб қилишнинг муҳим омилларидан биридир. Шунинча олиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳўзурида Давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш агентлиги тузилган эди. Йиғилишда мазкур агентлик фаолиятини ташкил этишга ҳам эътибор қаратилиб, мутасаддиларга транспорт, энергетика ва хизмат кўрсатиш соҳаларида давлат-хусусий шериклик асосида чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Янги тузилган Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат улуши мавжуд бўлган қорхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ишларини жадаллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича чет эл сармояларини жалб этиш учун хорижий давлатларда тақдимотлар — роуд-шоулар ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, марказлашган маблағлар ҳисобидан 3 мингга яқин объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилиш режалаштирилган. Президентимиз молиялаштириш ва лойиҳа-смета ҳўжжатларини ишлаб чиқишни тезроқ аяқулаб, қурилиш ишларини қисқа муддатларда бошлаш бўйича ҳам топшириқлар берди.

Бундай дастурларни ишлаб чиқишнинг тақомиллаштириш мақсадида лойиҳа институтларини бошқаришга хорижий тажрибани кенг жорий этиш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳудудларда ишлаб чиқариш соҳаларига инвестиция жалб қилиш талабга жавоб бермайди. Ваҳолонки, мамлакатимизга кўп миқдорда фармацевтика ва гигиена воситалари, озик-овқат товарлари, болалар кийимлари импорт қилинмоқда. Аслида бундай маҳсулотларни юртимизда ишлаб чиқариш учун жуда катта имкониятлар мавжуд.

Шу боис Президентимиз вазирлик ва идоралар раҳбарларига ўзларига бириктирилган ҳудудларга чиқиб, у ерда амалга оширилаётган лойиҳаларни жадаллаштириш, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун инвесторларни ҳудудларга, жумладан, эркин иқтисодий зоналарга жалб этиш бўйича топшириқлар берди.

Халқаро молия институтлари маблағларини ўзлаштириш ҳолатига эътибор қаратилар экан, бу борадаги йиллик режани бажаришда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Соғлиқни сақлаш, Сув ҳўжалиги вазирликларида қолоқлик мавжудлиги қайд этилди. Мутасаддиларга ўшбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Баъзи жойларда зарур инфратузилма йўқлиги инвестициялар жалб этишга тўсиқ бўлаётгани, лойиҳалар учун ер ажратилиш, электр энергияси, газ, сув ва канализация тармоқларига уланишда муаммолар борлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Иқтисодиёт ва саноат, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликларига ҳудудларнинг инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Барча топшириқлар ижросини таъминлаш ва муаммоларни бартараф этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ў.А.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Касим-Жомарт Токаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида Президентимиз Касим-Жомарт Токаевни Қозоғистон Республикаси Президенти лавозимига киришгани муносабати билан самимий табриқлади ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Бу Қозоғистоннинг атоқли ўғлони, Биринчи Президенти Нўрсўлтон Абдишевич Назарбўев ва бутун Қозоғистон халқининг янги Президентга юксак ишончининг ёрқин далилидир.

Қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик алоқалари изчил мустаҳкамланаётгани, стратегик шериклик муносабатлари янги босқичда ривожланиб, кўп қиррали амалий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Қозоғистонда “Ўзбекистон йили” деб эълон қилинган 2018 йилда товар айирбошлаш ҳажмининг рекорд кўрсаткичларига эришилди, иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги кооперация лойиҳалари амалга оширилди, мамлакатларимиз ўртасида бизнес ва ҳудудлар даражасида мулоқот, жумладан, маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Банкротлик тўғрисида**»ги 1054-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўшбу Қонуннинг амал қилиши давлат қорхоналарига ва нотижорат ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди, бундан маълумот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш юритаётган юридик шахслар мустасно»;

2) **19-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги** «иқтисодий» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) **35-модданинг биринчи қисмидаги** «жойлашган ердаги (яшаш жойидаги)» деган сўзлар «давлат рўйхатидан ўтган ердаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда). >>>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВЕБСТЕР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълимни ривожлантириш, таълим фаолиятига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, таълим хизматларининг замонавий ривожланиш тенденцияси тармоққа хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари илғор тажрибасини янада жорий этиш, улар билан яқин шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вебстер университетининг (АҚШ) (кейинги ўринларда — Университет) **Тошкент шаҳрида Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш марказини** (кейинги ўринларда — Марказ) **ташкил этиш тўғрисидаги** таклифига розилик берилсин.

(Давоми 4-бетда). >>>

Муносабат «HUMO ARENA»

қишки спорт турлари ривожига ва янги номлар кашф этилишига хизмат қилади

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиз марказида афсонавий куш тими-солида барпо этилган “Humo arena” муз саройи халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир ёрқин ифодасига айланди. Ўшбу мажмуа юксак малакали спортчиларни тайёрлаш ҳамда Ўзбекистонда йирик халқаро мусобақалар ташкил этиш ва энг асосийси, ёшларимизни қишки спорт турларига кенг жалб этишга хизмат қилади.

Юртимизнинг таниқли спортчилари, мутахассислари янги муз саройининг имкониятлари, унинг келажақ авлод учун аҳамияти ҳақида

муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

Оксана ЧУСОВИТИНА, спорт гимнастикаси бўйича кўп қарра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ва халқаро мусобақалар совриндори:

— Фаолиятим давомида бир неча бор ёзи Олимпиада ўйинларида қатнашганман. Ҳар гал ана шу нуфузли мусобақага Ўзбекистон спорт делегацияси кўплаб атлетлар билан ташриф буюрганда, шу юрт фарзанди сифатида чин дилдан қувонганман.



Бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-мурувват ифодаси

Асосий Қонунимизда инсоннинг эркин яшаш, ўқиш, ишлаш, ижтимоий ҳимояланиш каби асосий ҳуқуқлари қаролатилган. Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият сифатида белгилангани ҳар биримизнинг манфаатларимиз қонуний таъминланишига, тинч, фаровон, осуда умр кечиришимизга зарур шароит яратмоқда.

Фуқароларга берилган бу имкониятлардан барча бирдек баҳраманд бўлапти. Хусусан, ҳаётда билиб-билмай адашган кишилар ҳам. Зеро, халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик ғоялари давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этади.

Президентимиз томонидан Наврўз умумхалқ байрами арафасида имзоланган “Ҳазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пўшаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон юрт-

дошларимиз, кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан қутиб олинди. Бинобарин, мамлакатимизда илк маротаба Наврўз айёми муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида ҳазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пўшаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 44 нафар фуқаро афв этилди.



Ўзбекистон – бахтиёр инсонлар мамлакати



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Фахр

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШ ва Буюк британиялик нуфузли социологлар томонидан ўтказилган тадқиқот асосида “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари — 2019” (“World Happiness Report — 2019”) рейтингини эълон қилинди. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, ўшбу рўйхатда Ўзбекистон 156 мамлакат орасида 41-поғонада, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида эса биринчи ўринда қайд этилган. Юртимиз ўтган йили 44-поғонада эди.

Рейтингни тузишда мутахассислар аҳоли жамиятига тўғри келаётган ялпи ички маҳсулот ҳажми, ижтимоий

муҳофаза, умр кўриш давомийлиги, фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларда қарорлар қабул қилиш эркин-

лиги ва бошқа омилларни инобатга олган.

Жорий йилги рейтингда Қозоғистон 60, Россия 68,

Тожикистон 74, Беларусь 81, Қирғизистон 86, Туркменистон 87, Озарбайжон 90-ўринни эгаллаган.

Рейтингда Финляндия етакчи бўлди. Иккинчи ҳамда учинчи ўринда Дания ва Норвегия қайд этилди.

Азамат МУРОДОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббуси



1
Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намойён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

3
Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишни илгари суради.

5
Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

© «Халқ сўзи»

◁ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

(Даломи 3, 4-бетларда) ///

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Улуш (улушнинг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузилган ҳолда сотилган тақдирда, жамиятнинг исталган иштирокчиси ва (ёки) жамият, агар жамиятнинг уставида улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги назарда тутилган бўлса, бундай бузиллишни билган ёҳуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Мазкур имтиёзли ҳуқуқдан бошқанинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайти.

Жамиятнинг уставида жамият иштирокчисининг улушни (улушнинг бир қисмини) сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун жамиятнинг ёки жамият иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилши мумкин.

Жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, агар уни нотариал шаклда амалга ошириш тўғрисидаги талаб жамиятнинг уставида назарда тутилмаган бўлса, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушдан (улушнинг бир қисмидан) ўзганинг фойдасига воз кечишга доир битимнинг ушбу моддада ёки жамиятнинг уставида белгиланган шаклига риоя этмаслик унинг ҳаққий эмас деб топилишига олиб келади.

Жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечилганлиги ҳақида жамият бундай воз кечилишнинг далиллари тақдим этилган ҳолда ёзма равишда хабардор қилиниши керак. Жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олувчи мазкур воз кечиш тўғрисида жамият ёзма равишда хабардор қилинган пайтдан эътиборан жамият иштирокчисининг ҳуқуқларини амалга оширади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олувчига жамият иштирокчисининг мазкур улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечгунига қадар юзга келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади.

Жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Жамиятнинг иштирокчиси бўлган юридик шахс тузилган тақдирда, унинг кредиторлари билан ҳисоб-китоб тугаллангандан сўнг қолган унга қарашли улуш, агар қонун ҳужжатларида ёки тугатилаётган юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тугатилаётган юридик шахснинг иштирокчилари ўртасида тақсимланади.

Жамиятнинг уставида ушбу модданинг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи қисмларида белгиланган улушнинг (улушнинг бир қисмининг) ўтиши ва тақсимланишига фақат жамиятнинг қолган иштирокчилари розилиги билан йўл қўйилиши назарда тутилиши мумкин.

Жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхўри томонидан мерос қабул қилингунига қадар жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг ҳуқуқлари васиятномада кўрсатилган шахс томонидан амалга оширилади, унинг мажбуриятлари эса шу шахс томонидан бажарилади, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса нотариус тайинлаган бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг уставида жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушдан (улушнинг бир қисмидан) жамиятнинг иштирокчилари ёки учинчи шахслар фойдасига воз кечиш, улушнинг (улушнинг бир қисмининг) меросхўрларга ёки ҳуқуқий ворисларга ўтиши ёҳуд тугатилаётган юридик шахснинг иштирокчилари ўртасида улушнинг (улушнинг бир қисмининг) тақсимланиши учун жамият иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилган тақдирда, агар жамият иштирокчиларига мурожаат этилган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида ёки жамиятнинг уставида белгиланган бошқа муддат ичида жамиятнинг барча иштирокчиларининг ёзма розилиги олинган бўлса ёҳуд жамият иштирокчиларининг бирортасидан ҳам розилик беришга ёзма раддия олинмаган бўлса, бундай розилик олинган деб ҳисобланади.

Жамиятнинг уставида жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушдан (улушнинг бир қисмидан) жамиятнинг иштирокчилари ёки учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун жамиятнинг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилган тақдирда, агар жамиятга мурожаат этилган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида ёки жамият уставида белгиланган бошқа муддат ичида жамиятнинг ёзма розилиги олинган бўлса ёҳуд жамиятдан розилик беришга ёзма раддия олинмаган бўлса, бундай розилик олинган деб ҳисобланади. Ушбу Қонунда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуш (улушнинг бир қисми) очик қимощди савдоси орқали сотилганда, мазкур улушнинг (улушнинг бир қисмининг) олувчиси жамиятнинг ёки унинг иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, жамиятнинг иштирокчисига айланади.

Жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг 50 ва ундан ортққ фоизи эгасига айланган шахс (бундан давлат мустасно), агар шахс бунгача жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларга эгалик қилмаган ёки улушнинг 50 фоиздан камроғига эгалик қилган бўлса, миноритар иштирокчиларга улушларини бозор қиймати бўйича ўзига сотишни ўттиз кун ичида тақлиф этиши шарт. Жамиятнинг уставида ушбу тақлиф жамият иштирокчиларига жамият орқали юборилиши назарда тутилиши мумкин.

Агар жамият иштирокчиларининг ўзига тегишли улушини сотиши тўғрисида ўттиз кун ичида ёзма розилиги олинса, жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг 50 ва ундан ортққ фоизи эгаси тақлиф этилган улушнинг сотиб олиши шарт»;

5) **22-модданинг олтинчи қисмидаги** «ўн иккинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи» деган сўзлар «ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **25-модда:**
иккинчи қисми «мўлжалланган қисми» деган сўзлардан кейин «(дивидендлар)» деган сўз билан тўлдирилсин; қуйдаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Дивидендлари тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Бунда дивидендларни тўлаш муддати жамият иштирокчилари ўртасида фойдани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан ошмаслиги керак».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган **«Хусусий корхона тўғрисида»**ги 558–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1–2, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда) **6-моддасининг матни** қуйдаги тахрирда баён этилсин:
«Хусусий корхона ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида

ифодаланган ва хусусий корхонанинг жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида унинг фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 октябрда қабул қилинган **«Ҳакамлик судлари тўғрисида»**ги УРҚ–64-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 541-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда) қуйдаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) қуйдаги мазмундаги **37'-модда** билан тўлдирилсин:

«37'-модда. Ҳакамлик муҳокамасида медиацяянинг қўлланилиши
Ҳакамлик муҳокамасида медиацяя низони кўриб чиқиш жараёнида ҳакамлик судининг қарори қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин. Ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари томонидан медиацяя тартиб-таомилларини амалга ошириш ҳақида келишув тузилган тақдирда, ҳакамлик суди медиацяя тартиб-таомили тугагунига қадар ҳакамлик муҳокамасини қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. Агар тарафлар медиатив келишувни тузса, ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамасини тугатади»; 2) 44-модданинг: биринчи қисми қуйдаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари медиатив келишув тузган бўлса»; олтинчи – саккизинчи хатбошилари тегишинча еттинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин. 13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар; № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар) қуйдаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин: 1) 44-модданинг иккинчи қисмидаги «кичик» деган сўз чиқариб ташлансин; 2) 96-модданинг: иккинчи – тўртинчи қисмлари қуйдаги мазмундаги иккинчи – бешинчи қисмлар билан алмаштирилсин: «Солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўқсинлик қилинган ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёҳуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлари, бинолари, шу жумладан жойларни қўздан кечкириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш солиқ тўловчи томонидан радд этилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ҳақли: солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаганда; солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёҳуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаганда. Давлат солиқ хизмати органининг солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори вужудга келгунига қадар банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатилган шарт-шароитлари ўз ичига олиши керак. Давлат солиқ хизмати органи товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишни қирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан амалга оширувчи ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини беш банк кунигача бўлган муддатга вақтинча тўхтатиб туришга ҳам ҳақли»; бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин; 3) 342-модданинг биринчи қисми қуйдаги мазмундаги 5¹, 5² ва 5³-бандлар билан тўлдирилсин: «5¹) суднинг ёки ҳакамлик судининг иш юритувида айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, ариза қўрмасдан қолдирилганда; 5²) агар тарафлар ўртасида низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилган бўлса, ариза қўрмасдан қолдирилганда; 5³) агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза қўрмасдан қолдирилганда». 14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги УРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган УРҚ–387-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) қуйдаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин: 1) 40-модда бешинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қуйдаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин: «қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларидаги мавжуд ахборотнинг махфийлигини таъминлаши; банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари кўриб чиқилган тақдирда, тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар эгаларининг шақллантирилган реестридаги мавжуд ахборотни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ёзма сўровига кўра тақдим этиши шарт»; 2) 44-модда: тўртинчи қисми қуйдаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «бошқа юридик шахсларнинг 5 ва ундан ортққ фоиз акцияларига (улушларига, пайларига) эгаллиги тўғрисидаги ахборот, агар эмитентнинг акциялари фонд биржасининг биржа котиировкалаш варағига киритилган бўлса»; олтинчи қисмининг «6» кичик банди: биринчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин: «6) Корпоратив ахборотнинг ягона порталига ва ўзининг расмий веб-сайтига»; бешинчи хатбошиси «бундан муҳим факт юзга келган пайтдан эътиборан 72 соат ичида ошқор этиладиган, аффилианган шахслар билан битим тузиш тўғрисидаги хабар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин; 3) 53-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«чиқарилиши ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилмаган ёҳуд тўхтатиб қўйилган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган **«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»**ги УРҚ–301-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 271-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, 8-сон, 312-модда) **7-моддасига** қуйдаги ўзгартишлар киритилсин:

учинчи қисми қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Кичик тадбиркорлик субъекти бўлмаган кредит бюроси ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин»;

бешинчи қисмнинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»**ги УРҚ–327-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 4, 111-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда) **11-моддасининг учинчи қисми** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Оилавий корхона устав фондининг энг кам миқдори лицензия талабларида белгиланиши мумкин».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган УРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда) қуйдаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **44-модданинг тўртинчи қисми** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Давьо ишини юритишда тарафлар суд процессининг ҳар қандай босқичида ишни келишув битими тузиш ёки биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар медиатив келишув тузиш орқали тугаллашга ҳақли»;

2) **49-модданинг учинчи қисмидаги** «келишув битими» деган сўзлар «келишув битими ёки медиатив келишув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **51-модданинг биринчи қисмидаги** «келишув битими» деган сўзлар «келишув битими ёки медиатив келишув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **56-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«вакил, ҳимоячи, адвокат ёки медиатор вазифаларини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида – фуқаролик, иқтисодий, маъмурий иш бўйича вакиллар ёки жиноят иши бўйича ҳимоячилар, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича адвокатлар, медиаторлар»;

5) **69-модданинг иккинчи қисмидаги** «келишув битими» деган сўзлар «келишув битими, медиацяя тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **70-модда** қуйдаги мазмундаги **4'-банд** билан тўлдирилсин:

«4¹) шу низо билан боғлиқ медиацяя тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор сифатида иштирок этганлар, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва медиаторнинг иштироки юзасидан ўзаро розилик бўлган ҳоллар мустасно»;

7) **116-модда** қуйдаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) медиацяя тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилганда»;

8) **118-модда** қуйдаги мазмундаги **4'-банд** билан тўлдирилсин:

«4¹) ушбу Кодекс 116-моддасининг 6-бандида назарда тутилган ҳолларда – медиацяя тартиб-таомилини амалга ошириш тугагунига қадар, бироқ олтмиш кундан ортққ бўлмаган муддатда»;

9) **122-модда** қуйдаги мазмундаги **10¹, 10² ва 10³-бандлар** билан тўлдирилсин:

«10¹) давьогар низони жавобгар билан медиацяя тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса»;

10²) медиацяя тартиб-таомилини амалга ошириш ҳақида илтимоснома билан арз қилган тарафлар уни амалга ошириш муддати тугаганидан сўнг суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаса»;

10³) тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса»;

10) **17-бобнинг номи** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«17-боб. Яраштириш тартиб-таомиллари»;
11) **166-модда** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«166-модда. Келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиш
Суд тарафларни яраштириш учун чоралар кўради, уларга фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга қўмақлашади. Тарафлар келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб, низони ўзаро талабларнинг тўлиқ ҳажмида ёки қисман ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув давьо тартибида юритиладиган ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув ёзма шаклда тузилади ва келишув битимини, медиатив келишувни тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади»; 12) 195-модданинг биринчи қисми қуйдаги мазмундаги 9-банд билан тўлдирилсин: «9) давьогар низони жавобгар билан медиацяя тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса»; 13) 203-модда иккинчи қисмининг 3-банди қуйдаги тахрирда баён этилсин: «3) тарафлардан келишув битими ёки медиатив келишув тузиш эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради»; 14) 226-модда: номидаги «жавобгарнинг давьогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими» деган сўзлар «жавобгарнинг давьогар талабларини тан олиши, тарафларнинг келишув битими ёки медиатив келишуви» деган сўзлар билан алмаштирилсин; қуйдаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Медиатив келишув судга алоҳида ҳужжат тарзида тақдим этилади ва ишга қўшиб қўйилади, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади»;

иккинчи – бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи – олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

15) **278-модданинг учинчи қисмидаги** «келишув битими» деган сўзлар «келишув битими ёки медиатив келишув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган УРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда) қуйдаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

203²-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган ишлар

Агар даввонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса – беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, давъогарнинг илтимосномасига кўра, жавобгарнинг розилиги билан бошқа ишлар ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши мумкин.

Корпоратив низолар бўйича ишлар, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилмайди.

Агар ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиш чоғида учинчи шахснинг ишга киришиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган, ушбу бобда белгиланган қоидалар бўйича кўриб чиқилиши мумкин бўлмаган қарши даъво қабул қилинган бўлса ёҳуд агар суд қуйидагилар хусусида, шу жумладан тарафлардан бирининг илтимосномасига кўра қуйидагилар хусусида ҳулосага келса, суд ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриш ҳақида ажрим чиқаради:

1) ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиш давлат сирининг, тижорат сирининг ёки қонун билан қўрикланадиган бошқа сирнинг ошкор қилинишига олиб келиши мумкин бўлса;

2) қўшимча ҳолатларни аниқлаш ёки қўшимча далилларни текшириш, шунингдек далилларни улар турган жойда қўздан кечириш ва текшириш, экспертиза тайинлаш ёки гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиш зарур бўлса;

3) билдирилган талаб бошқа талаблар билан боғлиқ бўлса, шу жумладан учинчи шахсларга тааллуқли бўлса ёки мазкур иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати билан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўрикланадиган манфаатлари бузилиши мумкин бўлса.

Ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриш тўғрисидаги ажримда ишда иштирок этувчи шахслар бажариши лозим бўлган ҳаракатлар ва ушбу ҳаракатларни бажариш мuddатлари кўрсатилади. Ажрим чиқарилгандан сўнг ишни кўриш бошидан бошланади.

Ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талаб билдирилган бўлиб, улардан бири ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга тааллуқли бўлган, бошқалари эса уларга тааллуқли бўлмаган тақдирда, барча талаблар даъво ишини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган умумий қоидалари бўйича қўрилиши лозим.

Ишни кўриш мuddати ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриб чиқиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади.

203³-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган иш бўйича даъво аризасига доир талаблар

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган иш бўйича даъво аризаси ушбу Кодекснинг 149-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган иш бўйича даъво аризасига ушбу Кодекснинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар, шунингдек даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга топширилганлиги ҳақидаги далиллар илова қилинади.

203⁴-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни кўриб чиқиш хусусиятлари

Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, ажримда иш соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўрилишини ҳамда иш кўриб чиқиладиган санани кўрсатади.

Жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасининг кўчирма нусхаси ўзига топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кўнлик мuddатда судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси давъогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилинади.

Даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Белгиланган мuddат ўтганидан кейин судга келиб тушган даъво аризаси юзасидан ёзма фикр, далиллар ва бошқа ҳужжатлар, агар уларни белгиланган мuddатда тақдим этишнинг имкони бўлмаганлиги тараф томонидан асослантирилган ва улар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинунига қадар келиб тушган бўлса, қабул қилинади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган мuddатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни, далилларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган мuddат ўтганидан кейин судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиш мuddати узайтирилмайди.

Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чакиртимасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтиришларни, эътирозларни ва (ёки) вахларни текширади, далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради ва ҳал қилув қарорини қабул қилади.

203⁵-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг 21-бобида назарда тутилган умумий қоидаларга кўра, ушбу бобда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан қабул қилинади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори ихтиёрий тартибда ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВЕБСТЕР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ олий таълим муассасаси — юридик шахс шаклидаги Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади, алоҳида мол-мулк, мустақил балансга эга, тасарруфдаги пул маблағлари ва мол-мулк билан ўз мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Университет (кейинги ўринларда — таъсисчилар) томонидан таъсис этилади;

Марказ таъсисчилар билан келишилган ҳолда таълимнинг бакалаврият босқичи асосий йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига мувофиқ мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

Марказда ўқитиш қундузги таълим шаклида, тўлов-контракт асосида, инглиз тилида, жумладан, электрон таълим ва масофавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда Университет томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар асосида амалга оширилади;

Марказда тўлов-контракт асосида таълим бериш нархи микдори таъсисчилар билан келишилган ҳолда белгиланади;

Марказда таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб амалга оширилади;

Марказга абитуриентлар қабули ва битирувчилар аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланган талаб, тартиб ва мuddатларга мувофиқ амалга оширилади;

Марказ битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади.

3. Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ахборот-коммуникация технологиялари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик, табиий фанлар ва педагогика соҳаларида халқро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш;

иктисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий қилишни рағбатлантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтириш, таълим олувчиларнинг инновацион фояларини амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этиш;

республика олий таълим тизимига замонавий таълим технологияларига асосланган ўқув жараёнларини жорий қилиш бўйича илгор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш, очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш;

педагог кадрларнинг профессионал маҳорати даражаси ва сифатини огишмай ошириб бориш, Марказнинг профессор-ўқитувчи ходимларини хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташ;

таълим ва илм-фаннинг узлуksизлиги ва изчиллиги тамойили, шунингдек, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятга

уйғун интеграциялашуви асосида мутахассис ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

таълим ва илмий соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ мuddатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Университет: таълим жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологияларини, илм-фан ва техниканинг энг янги ютуқларини татбиқ этишни таъминлашга кўмаклашади;

Марказ мутахассислари малакасини ошириш ва профессор-ўқитувчи ходимларини қайта тайёрлашни ташкил қилади;

Марказ кутубхона фондини шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техник адабиётлар билан бойитишга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа олий таълим муассасалари билан тузилган ўзаро битимлар асосида қўшма таълим дастурлари бўйича мутахассислар тайёрлашни амалга оширади;

Университетнинг малакали профессор-ўқитувчиларини Марказда таълим бериш ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун жалб қилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказга таълим олувчиларни қабул қилиш квоталари манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тегишли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда таъсисчиларнинг қўшма қарорига биноан тасдиқланади;

б) Марказ фаолиятини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушган маблағлар;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосланган буюртмаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; халқро молия институтлари грантлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) Марказни ташкил этиш, унинг моддий-техника ва таълим базасини шакллантириш, шунингдек, таъмирлаш-тиклаш, бино ва иншоотларни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва бошқа ташкилий техникалар билан жиҳозлаш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармиси маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

г) Марказ профессор-ўқитувчилари, шу жумладан, хориждан жалб қилинадиган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва хизмат сафари харажатлари Университет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Университетга:

кадрларга бўлган эҳтиёж ва мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши истиқболидан келиб чиқиб,

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикоят (протести) берилмаган бўлса, қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтган қонуний кучга киради.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича қайси ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар ихтиёрий тартибда ижро этилмаган бўлса, ўша ҳал қилув қарори тарафларнинг илтимосномаси бўйича суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида ушбу Кодекс V бўлимининг қоидаларига биноан, суд харажатларини ундиришга тааллуқли қисми эса суднинг ташаббуси билан мажбурий ижро этилиши лозим.

Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради»;

17) **219-модданинг учинчи банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризага – солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинганлигини ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёҳуд солиқ солиш объектини саклаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш рад этилганлигини тасдиқловчи далил»;

18) **221-модданинг тўртинчи қисмидаги** «келишув битими» деган сўзлар «келишув битими ёки медиатив келишув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **262-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида берилади»;

20) **270-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахс апелляция шикоятининг (протестининг) кўчирма нусхасини олганидан кейин унинг юзасидан ёзма фикрини ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ёзма фикрининг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далилларни апелляция шикояти (протести) кўриб чиқиладиган кунга қадар етиб боришини таъминлайдиган мuddатда, апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши керак»;

21) **274-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Апелляция шикояти (протести) бўйича биринчи суд мажлиси апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши керак»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

22) **277-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) судга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади»;

23) **293-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахс кассация шикоятининг (протестининг) кўчирма нусхасини олганидан кейин унинг юзасидан ёзма фикрини ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ушбу ёзма фикрнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни кассация шикояти (протести) кўриб чиқиладиган кунга қадар етиб боришини таъминлайдиган мuddатда, кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай судга юборишга ҳақли»;

24) **297-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кассация шикояти (протести) бўйича биринчи суд мажлиси кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши керак»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

25) **319-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Назорат тартибидаги иш бўйича биринчи суд мажлиси назорат шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши керак»;

учинчи – саккизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

26) **332-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза юзасидан биринчи суд мажлиси аризани иш юритишга қабул қилиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши керак»;

27) **334-модданинг иккинчи қисми** «чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажрим» деган сўзлардан кейин «шунингдек соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб қилинган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

20-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 20 март № ўРҚ–531

бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича бош пудратчини белгилашга ружаст берилсин. 11. Марказга иккита, шу жумладан, битта шахсий бириктирилган ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситасини саклашга лимит ажратилсин. 12. 2022 йил 1 апрелга қадар: Марказ барча турдаги солиқлар тўлашдан; Университет Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятдан ҳам доимий муассаса орқали, ҳам тўлов манбаидан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан; белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Марказни жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дастурий махсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарь ва моддий-техника ресурслари, шунингдек, автотранспорт воситалари божжона тўловларидан (божжона йиғимларидан ташқари) озод этилсин. 13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой мuddатда Марказнинг устави ва тузилмаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек, белгиланган тартибда унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин. 14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртманомаларига кўра мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ҳамда Марказга қабул қилинган чет эллик талабалар учун кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин. 15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртманомаларига кўра Марказнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ҳамда Марказга қабул қилинган чет эллик талабаларга давлат божини ундирмаган ҳолда кўп мартали визалар берилиши ва мuddати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда мuddати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин. 16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 17.

«HUMO ARENA»



Чунки тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт анжуманида иштирок этишнинг ўзи ҳам катта ютук ҳисобланади. Мамлакатимиз вакиллари қатор совринларни қўлга киритиб келаётгани, рекордларни янгиллаётгани эса алоҳида қувонч ва гурур бағишлайдиган воқеалардир. Буларнинг ҳаммаси мақтанишга арзийди. Лекин қишки спорт турлари бўйича бармоқ билан санарли муваффақиятларимизни айтмаса, ҳали улкан натижаларимиз йўқ ҳисоби. Бу, албатта, мавжуд имкониятлар билан боғлиқ. Оқиғи, шу пайтгача бизда қишки спорт турлари эътибордан четда қолиб кетгани боис зарур инфратузилма яратилмаган. Мана, энди Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу йўналишга ҳам катта аҳамият берилга бошланди. Пойтахтимизда барпо этилган “Нумо аена” муз саройи бунинг яққол тасдиғидир.

Яқин вақт ичида юртимизда хоккей, фигурали учиш, кёрлинг каби спорт турлари мухлислари сони ортиши, шубҳасиз. Эшитяпмиз, хозир

даноқ жуда кўп ота-оналар фарзандларини қишки спорт турларига беришга интилишгаётган экан. Демак, ҳадемай бу ёшлар орасидан янги номлар кашф этилади, юртимиз довуругини янада юксакларга кўтарадиган чемпионлар етишиб чиқади.

Ришод СОБИРОВ, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинлари совриндори: — Юртбошимиз “Нумо аена”нинг очилиш маросимида ушбу замонавий муз саройининг ишга туширилиши Ўзбекистон спорти тарихида янги босқични бошлаб беради, дея таъкидлади. Мазкур замонавий иншоотнинг имкониятларини кўрган ҳар қандай киши бунга, албатта, амин бўлади. Мажмуада 12500 ўринли кўп тармоқли муз аренаси, 200 ўринли машғулотлар майдони, тренажёр зали, спорт музейи, фитнес-марказ, тиббиёт хоналари, қўйинги, ҳамма шароит яратилган. Бунга фақат ҳавас қилиш мумкин. Давлатимиз раҳбари бундай мажмуа ва марказлар келгусида юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барпо эти-

қишки спорт турлари ривожига ва янги номлар кашф этилишига хизмат қилади

томоша қилиб тураман. Барибир халқаро турнирларда ўз Ватанинг жамоасини кўриш, унга мухлислик қилишга нима етсин?! Мана шу орзуларимиз тез орада рўёбга чиқади, деган умиддамиз.

Миржалол ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, футбол бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон, ёшлар ўртасида Европа чемпиони: — Мазкур муз саройининг очилишига бағишланган маросим жуда чиройли ташкил этилди. Спорт ва санъат уйғунлигидаги чиқишлар каттаю кичикка унутилмас онларни тақдим қилди. Айниқса, болаларимизнинг юзқўзи, сўзида акс этиб турган орзу-мақсадлар барчани жуда қувонтирди. Ўзбекистон ёшлари бир кун келиб, бугун белгиланган мақсадларнинг тўғрилигини муз устида исботлаб беради. Менинг ҳам болагим ҳок-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Акция

КИТОБ БАЙРАМИ

Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида “Наврўз” китоб байрами хайрия акцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизнинг етакчи нашриётлари қатнашди.

— Мазкур тадбирнинг айна Наврўз айёми арафасида уюштирилаётгани бежиз эмас, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо. — Бу Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ижросининг амалий ифодаси бўлди. Акция ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси ташкилотлари миллий ассоциацияси раҳбари Э. Абдурахмонов бугунги кунда китоб савдоси билан боғлиқ ишлар жонлангани, шу билан бирга, ҳануз китоблар номи камли-

ги, масалан, “Янги аср авлоди” нашриёти қошида очилган “Book.uz” китоб дўкони 15 минг номдаги китобга мўлжаллангани ҳолда, унинг ярмини ҳам таъминлаб бериш имкони бўлмаётганини билдирди. Айни пайтда ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш учун ҳамма тушунчалар китоб дўконлари очилиш зарурати мавжуд. Бу ишга барча нашриётлар бош қўйса яхши бўлар эди. Президентимиз таъкидлагани каби китоб дўконларининг кўпайиши нафақат ёшлар, аҳоли ўртасида ҳам китобхонлик миқёси кенгайишига сабаб бўлади. Китоб байрамида журналистлар, таниқли шоир-ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар қатнашди.

Собир ЎНАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Соғинч

Баҳор келаётир

Баҳор келаётир,
Тоза, мусаффо.
Мовий кенгликларда ўйнайди шамол.
Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,
Туманли шаҳр ичра ётмоқлик малол.

Қоялар қўқсида шодмон, бекайғу
Оний умри билан соланлар чечак.
Баҳор — энг покиза шаббодалар бу,
Баҳор — энг тоза бир шамолдек демак.

Кенгликлар бағрига ураман ўзни,
Кўзимга қўрингай дилбар диёрим.
Гўдак нафасидек юпатар юзни,
Қиш бўйи интизор кутган баҳорим.

Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,
Майли ўтажак у ва ўтар бўлсин.
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,
Умринг шамоллари муаттар бўлсин...

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

Лавҳа

Она табиат жўровозликда — дараклар шитирлаб, жилғалар жилдираб, анҳорлар шовуллаб, қушлар чуғурлаб баҳор қўшиғини куйлашади...
Тонг. Ойқортоғ ортидан бобоқўёш жилмаяди. Яшил чамбаракка ўралган Бахмал адирларида кўклам нафаси! Яшариш ва янгиланиш Наврўздан дарак. Борлиққа ҳужмин итказган илиқлик қалпларга қўчди. Новқа аҳли тоғ этағидаги кирга — ҳалим сайлига отланади. Қувончу шодликлар кенгликлар узра таралади.

«ОМОНЛИК, ОМОНЛИК, ҲЕЧ КЎРМАЙЛИК ЁМОНЛИК...»

Айтиш керакки, юртимиз тарихи, маданияти ва маънавиятининг устунларидан бири бўлган Наврўз янғича шакл, мазмун-моҳият касб этаётгани ҳаммага аён. Қадимий урф-одат ва руҳиятимизни ўзида мужассам этган “Қозон тўлди”, “Сумалак сайли”, “Ҳалим сайли”, “Йил оши” сингари маросимларга миллий қадрият ва аъналаримизни янада бойитиш, улар замиридаги эзгу тушунчаларни ёшлар онгу қалбига сингдириш каби эзгу муносабатдан келиб чиқиб эътибор берилаётганига ҳар кўклам шодлиғида амин бўлаяпмиз. ...Тепаликда ёш қари жам. Дастурхонлар сумалак, қўқсомса, чучвара, дўлма каби ноз-неъматлар билан тўлади. Отахонлар кўр солганча елка қоқиб гаплашади. Яна бир баҳор билан юзлашганига шукрона келтириб, юртимиздаги ўзгаришлардан, ободликдан, фаровонликдан сўз очади. Онахонлар атрофига толдан жамалак таққан қизлар, чаккаларига бойчечак қадаган келинлар, қийикча боғлаган болалар тўпланади. Чанқовузнинг, дўмбиранинг ҳазин оҳангларига шеър, лапар, мақол, топишмоқ айтишувлар улашиб кетади...



Чилдирманинг шўх овози дилларга хушнудлик улашади. Раксга тушганлар ўртага олиниб, давра ясалади. Кишлоқнинг сор йигитлари эл хизматиде. Улар учоқ қазиб, қозон осадди. Бир чой қайнатса, бошқаси ўтин ёради. Ўтин ёриш буй қизларнинг нигоҳларини туйган бўз йигитлар учун мусобақа шаштини олади. Ёлнинг улпарлари ҳалим пишириш учун тайёргарликни бирма-бир кўздан кечиргач, оқ фотиҳа бера-

ди. Ўчоққа ўт қалайдилар. Ёс доғларга, гўшт қовурилади. Устидан сув қуйилади. Тегирмонга “бирров” солинган бугўдай эланиб, бутуни, синиги, уни алоҳида-алоҳида ажратилади. Боиси қозонга уларни галма-гал, малум қадг оралиғида солиш зарур. Шундай қилинса, ҳалимга маза кириб, таъми ўзгача бўлади. Баҳорий таом қизғиш тусга киргунча беш-олти соат қайнайди. Бундай пайтда қирнинг кенг бағрида катта давра қурилиб, кураш

КЎПКАРИГА ОТДА БОРИБ, «GENTRA»ДА ҚАЙТДИ

Китоб туманидаги Қайнар қишлоғи кенгликларидан нишонланган яшариш ва янгиланиш айёмининг овозаси мамлакатимиз оша қўшни давлатларга ҳам кетди, десак, муболага бўлмайди. Сабаби унинг доирасида халқаро кўпкари ва кураш мусобақалари ўтказилди.

Қадрият

Давлатимиз раҳбари 2018 йил декабрь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида Қорабайир зотли отларнинг довуругини кенг ёйиш мақсадида Наврўз байрами

арафасида халқаро кўпкари ўйинларини ўтказиш бўйича топишриқ берган эди. Шундан келиб чиқиб, ташкил этилган улоқ-кўпкарида мамлакатимиз вакиллари билан бирга,



Марказий Осиё давлатлари ҳамда қўшни Афғонистондан келган чавандозлар ҳам от чоптирдилар. Халқимизда от спорти, хусусан, кўпкарига қизиқмаган йигит бўлмаса керак. Негаки, у оддий кўнгилочар ўйин эмас, балки эр йигитларни тоблайдиган, мардлик, жасурилик, эпичиллик ва довурақликни шакллантирадиган мусобақадир. Унда қимматбаҳо соврин учун эмас, ор-номус, гурур учун баҳс олиб борилади. Шу боис беллашув ўта муросасиз кечди. Айниқса, Президент соврини — “Gentra” автомобили қўйилгач, баҳс янада қизгин тус олди. Бундай пайтда юзлаб отларнинг орасидан улоқни фақат тулпорларнинг бедови, чавандозларнинг энг моҳири ажратади, холос. Бу сафар омад шахрисабзлик Сирождидин Жовлиевга қўлиб боқди. У “Фонар” лақаби айғирда улоқни олиб чиқиб, олий мукофотни қўлга киритди. Билаги кучга тўлган баходирлар ўртасида ўтказилган кураш ҳам ҳаяжонли онларга бой

бўлди. Унда бош соврин — “Spark” автомобили мутлақ вазн тоғмасида голиб бўлган ғузорлик полвон Шерали Жўраевга насиб қилди. Шунингдек, кураш бўйича хотин-қизлар ўртасида ҳам голиб ва совриндорлар номи аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Чавгон, арқон тортиш, кўчқор ва хўроз уриштириш каби халқ ўйинлари, дорбозлар томошалари юртимизнинг турли ҳудудлари ҳамда хориждан келган меҳмонларга олам-олам завқ улашди. Қашқадарёлик хунаромандлар маҳсулотлари намойиши эса ўзига хос байрам ярмаркаси тусини олди. Шу маънода, Қайнар қишлоғида ташкил этилган Наврўз байрами ўзбек халқининг азаллий қадриятларини кенг таранум этиш баробарида, юртимиз туризм салоҳиятини янада оширишга хизмат қилди.

Ғуломжон САМАДОВ.

Муродилло КОМИЛОВ олган суратлар.

ЖАРАЁН 5

Бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-мурувват ифодаси



Уларнинг 2 нафарини 60 ёшдан ошганлар, 5 нафарини аёллар, шунингдек, 23 нафарини тақикланган ташкилотлар фаолиятида қатнашганлар ташкил этади.

Акбарали МИРЗАҲМЕДОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази Сирдарё тумани бўлини маси раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари Фармони моҳиятан Наврўзи олам қадриятларига ҳам мос эканлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ушбу ҳужжат туфайли неча кўнгишлар обод бўлди, қанча хонадонлардаги байрам шукўҳига шукўх қўшилди. Ўз навбатида, биз, маънавият соҳаси ходимлари қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган, тўғри йўлни қатъий танлаган бундай юртдошларимизга жамиятда муносиб ўринларини топишлари, уларнинг маънавиятини юксалтириш ишларига кўмаклашиши муҳим вазифаларимиздан, деб биламиз. Зеро, адашганлар ҳам ўзимизнинг фуқароларимиз, уларни тўғри йўлга бошлаш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шухрат ЗАРИПОВ (Тошкент тумани):

— Ҳаёт ҳар бир инсоннинг бошига турли синовларни солар экан. Бунинг оилам бағридан узоклашган кунларим янада чуқур ҳис қилдим. Шукўҳи, бошдан кечирган ёмон кунларим ортда қолди. Наврўз байрамини оилам бағрида ўтказиш насиб этди. Кўзимдан қувонч ёшлари аримайди. Бугун хонадонимиз нафақат байрам шукўҳига тўлди, балки мен ҳам оила дийдорига тўйдим. Маҳалла-қўй, қариндош-уруғ, ёру дўстлар билан гажхўмлашган уй нурафшонлик касб этди. Бунинг учун кечиримли халқимиздан, давлатимиз раҳбаридан миннат-

дорман. Тану жоним соғ экан, юртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қиламан.

Саодат ЖўРАКУЛОВА, Бойсун тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Хатонинг кечирилиши ёки айб ишнинг тузатилишига имкон бериш, бу — жуда катта саовоб. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур ҳужжат ғоятда тарихий аҳамиятга эга.

Фармоннинг айнан Наврўз байрами арафасида имзолангани қанчалаб хонадонларга катта хурсандчилик олиб кирди. Унга қўра, 5 нафар хотин-қизнинг ўз оиласи, яқинлари бағрига қайтиши, айниқса, она, аёл сифатида менинг ҳам қалбимда илиқлик, миннатдорлик ҳиссини уйғотди. Ўйлайманки, озодликка чиқиш имкониятига эга бўлган опа-сингилларимиз тезда ижтимоий ҳаётга мослашиб, халқимиз, жамиятимизга фойдали фаолият билан шугулланишади. Умр — баъмиқсоли оқар сув. Демак, ҳаёт деб аталмиш улуг неъматнинг қадрига етиш, эзгуликка интилиб, яхши ном қолдириш тирикликнинг асл моҳияти эканини англаш эзгулик сари йўл очади.

Камол ЧИНОЗОВ (Жиззах вилояти):

— Умр йўлларидадан адашиб, ҳаётимнинг маълум қисмини жазони ижро этиш муассасасида ўтказдим. Шу вақт давомида эркинлик, оила бағрида яшаш қандай бахт эканини теран англаб етдим. Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан бугун озодликдаман. Қандай бахтли эканимни билсангиз эди! Менга билдирилган ишончни ҳалол меҳнатим билан оқлайман. Ҳаётимни янгитдан бошлайман.

«Халқ сўзи».



«Микрокредитбанк»
акциядорлик тижорат банки жамоаси
Ўзбекистон аҳлини яшариш
ва янгиланиш айёми — Наврўзи олам
билан табриклайди!

Шунингдек, юртдошларимизга
**«Тадбиркор», «Оила жамғармаси»,
«Кафолат», «Барқарор-онлайн»**
номли омонат турларини
таклиф этади.

**«Микрокредитбанк» —
мақсад сари дадил қадам!**

Тел.: 71-202-99-99.

www.mikrocreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.



Мухтарам ватандошлар!
**Олмалик кон-металлургия
комбинатининг кўп миллатли жамоаси**

сизларни миллийлигиниз рамзи бўлган

Наврўз байрами билан
қўтлайди!

Расмлар келинчаги —
бахорнинг ilk ойида
нишонланаётган
Наврўзи олам оилангизга
тўқинлик,
қўт-барака ва
осойишталик
бахш этишини
тилаб қолади.



Барқарорлик белгиси!

**«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон
халқимизни баҳор ва янгиланиш байрами —
Наврўз айёми билан муборакбод этади!**

Шу муносабат билан «Туронбанк» АТБ миллий ва
хорижий валюталарда жозибадор шартлардаги муддатли,
жамғарма ва онлайн омонат турларини таклиф қилади:

миллий валютадаги омонатлар йиллик **21%** гача;
хорижий валютадаги омонатлар йиллик **6%** гача.



www.turonbank.uz

turonbank

95-144-60-00

Хизматлар лицензияланган.

**Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирлиги жамоаси**
**юртдошларимизни
Наврўз шодиёнаси билан қўтлайди!**

Ушбу байрам яшариш, янгиланиш,
келажакка ишонч рамзидир. Унинг кенг миқёсда
нишонланиши миллий қадриятларимиз,
анъаналаримизга эҳтиромимизни кўрсатади.
Наврўз барчангизга муборак бўлсин!

Бошлаган хайрли ишларингизга
муваффақиятлар, оилангизга тинчлик,
дастурхонингизга тўқинлик
ва барака тилайди.

Қалбларингизни кўтаринкилик
ва илҳом тарқ этмасин!

Тошкент давлат юридик университети жамоаси
Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси
профессори Маҳмуд Нажимовга онаси
САНАМЖОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР**
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

**Халқ сўзи
Народное слово**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 943 нусхада босилди,
ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳриятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳрият компьютер марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусахҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6